



АДОЛАТ

Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий газетаси

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган 1999 йил, 16 июль, № 25 (218) Жума кунлари чиқади Сотувда эркин нархда

Ўзбекистон




мустақиллигининг
8 йиллигига

ЭЛНИ ЎЙЛАГАННИ ЭЛ СИЙЛАЙДИ

Очерк

Ўзурига кириб келган ишчи аёл билан Абдусамат анча гарлашиб қолди. Аёлнинг ишлари, соғлиги ҳақида суриштириб оиласидан ҳол-аҳвол сўради.

— Сизга минг бора раҳмат, — деди қоп таъмирлаш бўлими ишчиси Юлдузхон Тўракулова охири муддаога ўтиб. — Меҳнат таътилимда соғлигимни анча мустаҳкамлаб олдим. Маъмурият ва касабга уюшмаси томонидан берилган ёрдам пули ҳам оиламизнинг кам-қўстига яради. Илоҳим омон бўлинглар!..



Яқинда бепул йулланма билан «Нурафшон» сўхатгоҳида дам олиб, соғлигини тиклаб келган бу аёлнинг қўнғонлари бениҳоя чексиз эди. Уни қўзатиб қўйган Абдусамат жамоасининг меҳнат ва иш шарафларини яхшилаш, ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш юзасидан қилаётган ишлари яхши самаралар бераётганидан мамун бўлди. Ахир қорхонани нуҳона, пирхона қилаётганлар ҳам аслида шуларда! Абдусамат бутун фаолияти давомида уларга таянади, улар эса Абдусаматга. Бирон бир иш ёки янгилик йўқки, жамоанинг маслаҳатсиз, ишчи-хизматчиларнинг йўл-йўриқларисиз битаётган бўлса.

Фаргона дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш акциядорлик уюшмасининг бош қорхонаси раҳбари, уюшма раисининг биринчи ўринбосари Абдусамат Мамжон бундай иш йўсинларини асосий иш мезонига айлантириб янгилашди. Кўп билан кенгашиб, жамоага суяниб, эл дастурхонига ун ва нон маҳсулотлари етказиб беришдек шарафли ишни муваффақиятли адо этишга эришди ва эришмоқда.

1993 йили қорхонада навабдаги бошлик алмашинуви рўй берди. Уша пайтда раҳбарлар жамоанинг фикрига таяниб, бу ерда 1986 йилдан бундан тўғривазифаларда ишлаб келатган Абдусамат Мамжоннинг унга раҳбар этиб тайинлашди. Суяги меҳнатда қотган, ишининг ҳадисини олган бу йигитга жамоа катта ишонч билан қаради. Ундан келажакда кўп яхши нарсаларни умид қилди.

— Энди уша бугунга маҳкам бўласиз, — дейишди уша пайтда унинг қўлини сиқиб янги вазифа билан табриклагани келганлар. Фарғонадек катта бир вилоятда кўзга қўйилган бу гўлган комбинатда маҳкам бўлиш эса осон эмасди. Қорхонанинг иқтисодий ҳаволи оғирлашган, шарт-шароити эса деярли йўқ ҳисоби. Ташмачилик, ўтириқ, талон-тарожлик авж олганди. Янги раҳбар ишлаб чиқаришни ривожлантириш, қатор янги соҳаларни юзага келтириш билан бирга жамиятимиз учун ёт бўлган ана шу ноҳус иллатларнинг йўлига ҳам кескин гов қўйди. Эл ризини муқаддас билиб, уни тўя қилаётганларнинг бахридан ўтди. Жазосини берди. Олдинги паст деворлар жамоанинг ўз кучи билан одам бўйи етмас даражада кўтарилиб, мустаҳкамлашди. Ҳарбийлаштирилган соқчилик хизматининг 80 фойиз ходими талабга жавоб беришга учун янгиланди.

Албатта, бу ташмачилик ва талон-тарожликка қарши қўрилган ташкилий омилар, Ўнг муҳими эса ишчи-хизматчилар онгидан қилинган уғаришда. Маъмурият тавсияси билан олиб берилган катта тушутиришлар бос ҳозир қўнғонлик урилгидан кура турғиликни ўйлабди. Ўз жамоасининг ютуқларини тобора бойитиб, мустаҳкамлаб боришнинг пайида бўлади. Ахир бу ерда ҳозир иш ҳақи кам эмас ҳар бир ишловчи ҳисобига ўртача 10-872 сумни ташкил этади. Энди бунга 1997 йилдаги 4280 сум, 1998 йилдаги 6891 сум билан таққосласак, ҳамма нарса кўз олдимизда янада ойдинлашди. Ишлаб топилган соф фойда ва даромадлар эвазига жамоа аҳли муносиб рағбатлантирилмоқда. Бу ерда меҳнат таътилига чиққанлар ойилгидан ташқари бир ойлик иш ҳақи миқдорида қўшимча маблағга эга бўлишяпти. Ишчи ва хизматчиларга шу каби бошқа қўшимча берилаётган маблағларнинг миқдори бир йилда ўртача 30-40 миң сумга турғи келяпти. Айблар йили муносабат билан жамоада тер тўкиб меҳнат қилаётган аёлларга иш ҳақи, таътил пулидан ташқари бир ойлик маошлари миқдориди муқофот пули берилапти. Меҳнатга яраша бундай эътибор, рағбат қаерда бор ахир! Ўз меҳнатларидан моддий манфаатдорлиги тобора ошиб бораётгани бос ишчи-хизматчилар янада сифатли, янада умумли ишлашга эришмоқдалар, жамоа ютуқларини бойитиб боришяпти. Соҳаларни ривожлантиришга амалий ҳисса қўшмоқдалар. Бунинг эвазига бос қорхонада ишлаб чиқариш ҳажми биргана ўтган

йилда 25,5 фойизга ўсди. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш етти ярим фойизга қўлайди. Рентабеллик 2,8 фойизга ортди. Шу йилнинг ўтган олти ойида бу ерда ишлаб чиқарилган маҳсулот солиштирма нархларда бир миллиард 275 миллион 269 миң сумни ташкил этди.

Қорхона маҳсулотларига бирон бир таъкилот ёки истеъмолчидан ҳеч қандай эътироз билдирилмади.

Бош қорхонада бўлиб, жамоа фаолияти билан танишсангиз эришялгандан ютуқларга монанд теваарак-атрофни чиннидай тоза этиб қўйилганлигидан қувонасиз. Қўнғонлик ишчилар авваллари ҳовли ва унинг атрофини ташлаб бир ҳолда эканлигини билдиришди. Энди эса ундан асорат ҳам қолмаган. Майдонлар ва йўлақлар тартибга келтирилди, унинг атрофларида гулзорлар ташкил этилган. Янги экилган дараклар эса ҳаддан яқин йиллар ичида қорхонанинг чиройини янада оцади. Соя-салқинда ишчилар бўш пайтларини хушнуд ўтказадиган бўлишди. Бундай ендошув жамоага катта шўҳрат келтирмоқда. Ишлаб чиқаришдаги омиларни кенгайтиришга йўл очяпти.

Яна бир гап: бугун давр ҳар биримиздан асосий тармоқдан ташқари қўшимча соҳаларни ривожлантиришни ҳам таққос этмоқда. Айниқса қишлоқ жойларида янги ишчи уринларни ташкил этиш орқали ишларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Ортбошимиз томонидан қўйилган бу топшириқнинг мазкур жамоада изчил бажарилаётгани айниқса ҳар қандай одамни қувонтирмай қолмайди. Катта сазай-ҳаракатлар эвазига Фарғона шаҳрида 35 кишилик уринга эга бўлган Туркиянинг «Эксмосан» нон цехи вужудга келтирилди. Унинг ёнidan кўп ўтмай Германиянинг «Винклер» анжомлари ўрнатилган янги цех жой олди. Кейинчалик Қирғизияда «иссиқ нон» цехи ишга туширилди. Тошқоқда, Болтақул қишлоғида ҳам шундай цехлар эл дастурхонига турли-туман нон ва нон маҳсулотлари етказиб бера бошлади. Ўтган йили комбинатнинг Ёзёвонда, Қувасойда нон қабул қилувчи янги пунктлари очилди. Уларда эндиликда 150 нафардан зиёд қишлоқ ишлари ишлашди, янги касбининг фидойисига айланиб боришмоқда. Ўз навабига замонавий сервунум ускуналарни моҳирлик билан ишлатишяпти. Бу эса уларга хорижийдан ҳеч қандай фарқ қилмайдиган мазали ва тўйимли нон ва нон маҳсулотлари тайёрлашнинг имконини беришти. Интиланганга толе ёр деб шунга айтдиларда!

Айтaversак, гап кўп. Зеро, элни ўйлагани эл сийлайди. Буларнинг барчаси бос қорхона жамоасининг меҳнат ютуқларидан бир шингил, холос. Унинг ишчан, изланувчан, талабчан, ўз навабига ўзқини кузлаб иш қурадиган раҳбари Абдусамат Мамжон бос ютуқлар билан чекланиб қолмагани йўқ. У эндиликда қорхонанинг келаси истиқболни хусусида бош қотирмоқда. «Ўздон-маҳсулот» давлат акционерлик корпорациясининг амалий ёрдами билан келаси йили қорхонани тулик таъмирдан чиқариб, унга энг замонавий, юқори умумли технология ускуналарни олиб келиб ўрнатишни мўлажлашяпти. Қолаверса, бос комбинатнинг ўзига уруғчилик цехини ишга тушириб, айрим туманларга уларнинг иқлим шараитидан келиб чиққан ҳолда сара уруғ етказиб бериш режалари устида изланмоқда. Бу жайрли ташвишларнинг замирида галла музтақиллиги учун катта кўч-ғайрат сарфлаётган халқимизнинг буюк мақсадларини юзага чиқаришга ҳисса қўшишдек ажойиб орзулар етибди. Шундай фидойи замондошларимиз билан ҳар қанча фахрланасан арзийди.

Рустам АХМАДАЛИЕВ,
«Адолат»нинг махсус муҳбири.

СУРАТДА: қорхонанинг жонқуяр директори Абдусамат МАМАЖОНОВ.



Ўрта Чирчиқ тумани пахтакорлари жорий йилда ўтган йилдагидан кўра кўпроқ йўл ҳосил етиштиришни мўлажламоқдалар. Шу мақсадда туман пахта даладаридида ҳозирги кунда ишлар кизгин бормоқда.

СУРАТДА: тумандаги «Ўзбекистон» дех-

кон-фермер хўжалигининг пахта дала-сини. 1. Бошқарув раиси Солижон То-хиев (ўнгдан чапга) бригадирлар Рах-мон Қўрбонов, Муборак Алмаматова ва эвено бошлиғи Хамид Юнусов ўзларини ривожини кўздан кечирмоқдалар. 2. Ғу-заларга ишлов бериш пайти.

Партия ахбороти

МУҲИМ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Наманган вилоят Кенгашининг IX Пленуми бўлиб ўтди. Унда «Партия Сийёсий Кенгаши-нинг XII Пленуми қарорларини амалга ошириш юзасидан қилинадиган ишлар ва вилоят партия ташкилотининг олдида турган муҳим вазифа-лар» кўриб чиқилди. Бу ҳақда вилоят партия Кенгашининг иккинчи котиби Ҳасимжон Ҳалилов маъруза қилди. У ўз сўзида ҳозирги демокра-тик жараёнларни чуқурлаштиришда партия таш-килотларининг тутган ўрнига тўхталиб келгуси-да қилинадиган ишларга йиғилганларнинг эъти-борини қаратди. Шу билан биргаликда туман, шаҳар партия кенгашлари фаолиятидаги жид-дий камчиликларни очиш ташлади. Йўл қўйил-ган нуқсонларни рўйи-рост кўрсатиб ўтди.

Айниқса, бугунги кунда катта ишонч билан айрим туман партия кенгашлари-нинг биринчи котиблигига ёки котиблигига сайланган етакчиларнинг, вилоят партия Кенгаши аъзоларининг ишда жиддий ўзгаришлар-га йўл очмаётгани учун уларнинг фаолиятига те-гишли баҳо берилади. Айниқса, Қосонсой, Тура-қурган, Норин туманлари партия Кенгашларининг би-ринчи котиблари вилоят партия Кенгаши билан ало-қасини узиб қўйганлигини, ўзибуларчиликка берилган-лигини, бошлангич партия ташкилотлари сонини ўсти-риш ва партия аъзолари-ни қўлайтириш борасида деярли иш олиб бормаёт-ганини қандай тушуниш мумкин? Сўзташқилари бос улар ҳозирги демок-ратик жараёнларда ўз имко-ниятларини намоийиш эта-олишмапти.

Музокараларда сузга чиқ-қан Уйчи тумани партия Кен-гашининг биринчи котиби Ах-маджон Мирзаахмедов, На-манган муҳандислик-техноло-гия институтини масбул ходи-ми, фан номзоди, доцент Со-дикжон Зокиров, Сийёсий Кен-гаш аъзоси Рустам Ахмадалиев, Поп тумани партия Кенгашларининг би-ринчи котиби Замир Мухиддинов ва бошқалар ҳам кўп партия ташкилотла-ри фаолиятида жиддий ўзга-ришлар ясаш зарурлигини таъкидлаб ўтдилар.

Пленумда бир қатор таш-килий масалалар қўрилди. Ас-қар Икромов вилоят партия Кенгашининг биринчи котиби вазифасидан озод этилди. Вилоят партия Кенгаши-нинг иккинчи котиби бўлиб ишлаб келатган Ҳасимжон Ҳалилов Пленумда бир овоздан Наманган вилоят партия Кенгашининг би-ринчи котиби этиб сайланди. Партия фаоли Содикжон Зокировга пленум қатнаш-чилари катта ишонч бил-дириб, уни вилоят партия Кенгашининг котиби этиб сайладилар.

Мансуржон ДАДАБОВЕВ.

Партиядан алоқасини ўз-ганлиги учун Ҳасанбой Қур-боналиев, Солижон Гойи-бов, Алижон Эшонқулов, Акбаржон Бурқонов, Му-хаммаджон Абдурахимов вилоят партия кенгаши раёсати аъзоларидан чиқар-илди, раёсатнинг янги аъзолари сайланди. Шу би-лан биргаликда шундай эътиборсизликка йўл қўйганлиги учун Абдувосик Қирғизов, Раҳмонмурод Тур-ғунов, Араббой Давлатов, вилоят партия Кенгаши аъзоларидан чиқарилди ва уларнинг ўрнига янги аъзо-лар сайланди.

Пленумда Ўзбекистон «Адолат» социал-демокра-тик партияси Сийёсий Кен-гаши котиби, «Адолат» га-зетаси Бош муҳарири Тўх-тамурод Тошев иштирок этди ва сузга чиқди.

Пленумда қўрилган ма-салалар юзасидан тегиш-ли қарорлар қабул қилин-ди.



◆ Белгида умумий сайловлар бўлиб ўтгандан бундан бир ойдан сўнг ҳокимият тепасига келган янги ҳукумат иш бошлади. Янги Вазирлар Маҳкамасига Гай Верхофстадт раҳбарлик қилмоқда.

◆ БМТ ҳарбий трибуналининг бош прокуро-ри Луис Арбур Болкон ярим ороли бўйлаб са-фарини Албаниядан бошлади.

◆ Исроил Бош вазири Ехуд Барак ўз вазифа-сига киришган, бир қатор Араб мамлакатлари раҳбар-лари билан музокаралар ўтказиб, Яқин Шарқдаги тинчликни тезроқ тиклаш масаласига ўз фаолияти-да алоҳида эътибор беришини қайд этди.

◆ Хитойнинг Иньчуан шаҳар суди тўрт на-фар Хитой фўқаросини қасддан одам ўлди-рганлик ва талончиликда айблаб, ўлим жазоси-га ҳукм қилди. Яна тўққиз нафар жиноятчи тур-ли муддатларга қамок жазосини олган. Улар ҳам талончилик, жиноятчиликка ёрдам бериш, қалбаки ҳужжатлар тайёрлаш, шерикларига ҳу-фёна бошпана беришда айбланган.

◆ БМТ мутахассисларининг хабарларига қара-ганда, ер юзи аҳолисининг сони шу кунларда 6 мил-лиардга етди. 1987 йилда бу рақам 5 миллиарддан зиёдрокни ташкил этган эди.

◆ Дехли ва Исламободдан хабар қилишля-рича, икки ойлик қақшатқич жанглардан сўнг жангарилар Кашмирни тарк эта бошлашди. По-кистон вакилларининг сўзларига қўра, улар Хиндистон билан ўт очиниш тўхтатиш бўйича келишиб олишган.

◆ Жазир Миллий Ассамблеяси кўпчилик овоз билан «Фўқаролар тотувлиги» ҳақидаги қонун лойи-ҳасини тасдиқлади.

◆ Бангладешда муҳолифатдаги партиялар иттифоқи тарафдорлари эълон қилган умум-миллий иш ташлаш тартибсизликларга айла-ниб кетди. Оқибатда бир нафар полиция ходи-ми ва икки нафар фўқаро қурбон бўлди, кўп-лаб кишилар жароҳат олди.

◆ Жорий йилнинг 2 октябрь ва 11 декабрь кун-лари профессионал боксчилар ўртасида ўта оғир вазндаги собиқ жаҳон чемпиони Майк Тайсон икки бор рингга чиқади. Иккала жанг ҳам Лас — Вегас-да «Эм—Джи—Эм Гранд» казено—отелида бўлиб ўта-ди.

◆ Ироқ ҳукумати мамлакатда чет эл валю-тасининг эркин муомаласида бўлишига руҳсат берди.

◆ Тожикистон Республикаси Ички ишлар вази-рлиги матбуот маркази бошлиғи Д. Хатами ўз уйи йўлагидида отиб ўлдирилди. Бу фожиа унинг касб фаолияти билан боғлиқ эканлиги тахмин қилинмоқ-да.

◆ Жанубий Корея Президенти Ким Дэ Жун билан унинг рафиқаси Ли Хи Хонинг Вашинг-тон ва Оттавага олти кунлик ташрифи давом этмоқда.

◆ Тўққиз йиллик танаффусдан сўнг Сурия Пре-зиденти Х. Асад икки кунлик расмий ташриф билан Москвага келди. У Россия Президенти Борис Ель-цин ва Бош вазир С. Степаншилар билан учрашу-влари чоғида икки томонлама ҳамкорлик масалала-рини муҳокама қилади.

◆ Белоруссия Президенти А. Лукашенко Бе-лоруссия ҳукумати делегацияси билан Россия ҳудуди бўйлаб сафарини бошлади. Ташриф Уфадан бошланди.

◆ Хитой шарқдаги қучли сув тошқини натижа-сида 150 дан ортиқ киши ҳалок бўлди.

◆ Жакартада сўл оқимдаги Халқ демокра-тик партияси тарафдорлари томонидан уюш-тирилган норозилик намоийиши полиция томо-нидан бостирилди.

◆ Германия Федератив Республикаси ҳукумати 2002 йил 1 январдан бошлаб немис марказини умум-европа ягона валютаси — еврога бутунлай алмаш-тиришни режалаштирмоқда.

Назм

ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОСИМАН

Буюк Ўзбекистон фарзандиман деб,
Яшил дафтарчани қўлга олурман.
Улғу халқим учун энг мўқаддас зەб,
Ўлиб шаҳодатин, ўйга толурман.
Боболар орзуси унда мужассам,
Кўп йиллик истаклар бўлар, намойн.
Ўзалигин топган халқ энди бўлмас кам,
Туғи бор, Мадҳидан яйраб кетар жон.
Яшил муқовада олтин чашмадек
Нур сочиб балқиди икбол Тамғаси.
Жўшмоқда қувончим Сиру Амудек,
Унда гарк бўлмоқда қадар, гам-ғуссам.
Ўзбеки билгандан билмас кўп эди,
Жаҳонга қайтадан танилдинг, халқим.
Ватаним, елканга бахт қуши қўнди.
Бошим осмондадир, кўксимда ёлқин.
Болибой ЖУМАРТОВ.

«Февраль воқеалари» фильмини кўриб

ЯРАТГАННИНГ ЎЗИ ЖАЗОСИНИ БЕРСИН

Халқимизда «Тани бошқа дард билмас» деган ма-қол бор. Ойнан-жаҳон орқали ўзиди машуум февраль воқеаларини жо этган ҳужжатли фильмин кўра туриб беҳитиёр шу мақолни эсладим. Ундаги ҳар бир ла-ҳза, ҳар бир детал деярли қорғишга мўҳралиб қолди. Халқимиз бошига катта мусибатларни солмоқчи бў-либ, гўёки сийёсий тизимимизда ўзгариш қилишга уринган, шу ғараз мақсад йўлида Президентимизга сунақча уюштирган, шу билан биргаликда ўнлаб бе-ғуноқ одамларнинг ҳаётдан барвақт кўз юмишларига сабабчи бўлган бир ғаруҳ галламизнинг мудиши жиноятларини очиги сирга ҳам қилиб бўлмайди. Шун-дай раванқ толиб, гуллаб-яшнаб бораётган ватанда уларга нима етишмапти ўзи? Ахир юрт тинч, эл обод бўлса. Бундан катта бойлик, бундан зўр соодат, ху-рлик борми инсонга!

Тугри, одамзод пайдо бўлибдики, нимагадир талпиниб, интилиб яшай-ди. Аммо тор доиранинг манфаатини кузлаб, шах-сий бойлик орттириш илнжидида амал хирси би-лан қуйиб енган, оқибат-дан февралда рўй берган уша кечириб бўлмас машуум воқеани келтириб чиқарганларнинг ҳарака-тини қандай баҳолаб бу-ларкин? Ҳеч бир қолнпга сиймайдиган ишқу бу. Айтишга ҳам тилинг

қийфаси бўлганда шу ишга қўл урармиди улар. Шундай ватанда, шундай замонда улар билан бир ҳаводан на-фас олиб, яшаб келганим-га ўз-ўзимдан нафратланиб кетаман ҳатто. Қалби ожив, кўзи ожив, дили ожив бу кимсаларнинг жиноятқоро-на қора қилмишлари қалб-ларимизда бир умрга ўчмас доғ қолдирди. Эндиликда уларни бутун ватан, бутун халқ лаънатламоқда. Бун-дан кўра одамнинг ўлгани яхши эмасми? Куйиб кул бўлгани яхши эмасми?!

Бунисуку майлия, ҳали уларнинг олдида у дунёни-нг жавоблари ҳам турибди. Бу ҳаммамизга шу ватанда яшаб, ишлаб, унинг-ўсаёт-ган кексаю-ёшга аччиқ са-боқ бўлиши, ундан ҳар ким узиға тегишли хулосани чи-қариб олиши керак. Ҳатто-ки Оллоҳга минг бора шу-курки, яратган эгамнинг ўзи

ҳам ҳеч қачон одам ўлди-ришни, беғуноқ қон туқили-шини хуш қўрмаган. Қуръо-ни каримда одам ўлдириш-нинг энг оғир гуноҳлиғи ай-тиб ўтилган. Бунга қара-ниқ, уларнинг гўёки дин фи-дойилари қилиб қўрсатиш-га уринган бу кимсалар на-ҳотки бундан беҳабар бул-салар. Уларку одил суди-миз олдида уларнинг теги-шли жазоларини олди-лар. Аммо бу ҳам кам. Ило-ҳим яратганнинг ўзи улар-нинг жазосини берсин.

Менку шу ватанининг, жо-нажон Ўзбекистонимизнинг оддий бир фўқаросиман. Шу юрда турғилиб ўлиб-ўс-ганимдан, шу юртнинг фар-занди эканлигимдан беҳад фахрланаман. Февраль во-қеалари айримлар каби бизнинг оиламиз бошига ҳам оғир мусибат солди. Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг ташқи

алоқаларини мувофиқ-лаштириш бўлимида бош-лиқ бўлиб ишлаб келатган 24 яшар ўғлим Жам-шид портлаш содир этил-ган пайтда, уша жойнинг ўзида фўқеали ҳалок бўлди. Эр-хотин бўзлаб қолдик. Бу ўқда гулдек оиласи, ҳали ота нимали-гини билмаган, унинг меҳ-рини тулмаган 3 ойлик не-варамиз Гузал отасиз қолди. Ҳозир у 6 ойлик бўлди. Неварамизни қу-риб, бўлиб ўтган воқеа-ларни эслаб ундан қаттиқ эзилди, босимизга туш-ган бу мусибат бундан бундан ҳеч қачон адашмасин экан. Илоҳим юртимиз тинч, унинг элларвар раҳбари Ислам Каримов доим омон бўлсин! Ҳеч кимнинг бошига бундай мусибат-ли кунлар соя солмасин!

Ҳасимжон ҲАБИЛОВ,
Тошкент шаҳри,
Юнусобод тумани.

ТАНГА ДАВО, ҚАЛБЛАРГА ЗАВҚ

Ёз — меҳнат таътиллари фасли. Кўпчилик бу вақтни дам олиш билан саломатлиқни мустаҳкамлашга бағишлайди. Шу тоифа кишилар учун Қўбрай тумани ҳудудида Бўзсув соҳилида жойлашган «Навбахор» санаторийси катта қўлайлик туғдиради.

— Ҳар йили ёзда шу сихатгоҳга келаман, — дейди Самарқанд вилояти Челақ туманидан келган Тўлқин ака Умиров. — Салқин ва хушхаво масканда кўнгилли хордиқ чиқариш билан бирга даволашнинг турли усуллари билан фойдаланиб соғлиқни тиклаб олдим. Илик сув муолажалари, сауна, бассейн, шифобахш игна, ултратовуш, уқалаш ва бошқа бир қанча даво воситалари кишини тезда оёққа турғизди. Бу йил рафиқамни ҳам олиб келдим.

Дам олувчилардан бири билан суҳбатлашдик. Воҳид ака Маннопов бу сихатгоҳга биринчи бор келишлари экан.

— Дастлабки кунларда мендаги қон босим жуда юқори бўлиб, юрак уриши сал нотекис эди, — дейди у киши. — Даволовчи врач Эдис Эредженова, игна санчиб даволловчи врач Убайдулла Сайфуллаев, ҳамширалардан Мостураҳон ва Мавлуда опаларнинг саъй-ҳаракатлари натижаси бир ҳафтадаёқ билинди. Қон босимини унутдим, бош оғриғи қолди, юрагим меъёрда ишлапти, кайфиятим ҳам яхши. Худога шукур.

Сихатгоҳ бош врач Дилором Мухторова эса муаммоларни яширмас эканлар:

— Бир пайтлар бу шифо маскани анча довруқ қозонган эди. Кейинги раҳбарлар лозим даражада масъулият сезишмаганим, бог ҳудуди бир оз ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бу йилги мавсум олдида «Шарк» нашриёт-матбаа концерни раҳбарияти санаторийни кадрлар билан мустаҳкамлади. Яқинда шахсан концерни бош директори Исроҳим ака Шогуломов келиб аҳолини куриб таҳлил қилдилар. Қўшимча маблағ ажратилиб масаласи ҳал этилди. Янги видео-телеаппаратура келтириб совға қилдилар. Эски, мевадан қолган дархатлар янгиларига алмаштирилди. Мақсадимиз концерни ишчи-хизматчилари ва республика вилоятларидан келувчиларга замонавий асосларда тиббий хизмат курсатиш ва дам олишлари учун янада яхши шaroитлар яратишдир.

Наргиза ОХУНЖОНОВА,

Тошкент вилояти,
Ғазалкент шаҳри, 3-ўрта мактаб.



— Тезроқ эмавер дўмбоқчам, тўйиб сут ичсанг бир йил ўтиб говмиш бўласан.

ИНТЕРНЕТ — ЮКСАЛИШ ПИЛЛАПОЯСИ

Республикаимизда интернет хизмати тақдир қилувчи муассасалар сони тобора ортиб борапти. Бироқ афсуслик ҳанузгача жаҳон ахборот тизимидаги бу ажойиб тармоқ ҳақида тасаввурга эга бўлмаган ёшларимиз кўп. Хўш, Интернет ўзи нима?

Бу саволга бир сўз билан жавоб бериш мушкул, албатта. Бироқ бизнингча, Интернетнинг маъносини «хабарлаш, маълумот олиш» деб изоҳласак ҳато қилмаймиз. Баъзилар учун Интернет электрон почта орқали хат жўнатиш имконияти, бошқача қилиб айтганда, бир жойдан иккинчи жойга телефон орқали юборилган хатдир. Интернет дўст-улфатлар учрашадиган, буш

вақтини мазмунли ўтказадиган, маънавий бойийдиган, меҳнат қиладиган манзил ёхуд, дунёдир.

Ундан маълум техник воситаларга эга ҳар бир киши, хусусан, кутубхоначилар, олимлар, ўқитувчилар, муҳандислар, тижорат ташкилотлари, университетлар, ҳукуматлар ва алоҳида шахслар ҳам унумли фойдаланиши мумкин.

Интернетнинг узига жалб қиладиган томони шундаки, маълумотга тез етиб, ундан фойдаланишнинг бебаҳо ва бетақдор имкониятларидан лаззатланасиз. Фикрларингизни бийитиш, билимингизни ошириш ниятида бўлсангиз, бунинг учун энг қулайи — Интернетдир.

Фирӯз НАСРИДДИНОВ.

Айтсам тилим, айтмасам... ЁЛҒОНЧИНИНГ ЧИН СЎЗИ

Дунёда рост гапирадиганлар кўпмикин ё ёлғончилар? Умримда ёлғон гапирмаганман, деган кимса ҳам аслида яна бир бора ёлғон, гапирган ҳисобланади. Искот, дейсизми? Маса-лан, эрталаб ишга кетаётганингизда кимдир ҳўл сўраган бўлади:

— Ишлар қалай?

— Зур! — деб қўя қоласиз. Аслида унчалик зур эмасдир-да. «Қўл остингизда» ишлайдиган бир тирранча пешгирлик қилган. Тоғаси «катта»лардан экан... Шунга кўнглингиз гаш бўлса-да ҳўл сўраганларга «зур!» деб қўя қоласиз...

— Уйлар тинчми? — Кўнгил сўраган бўлади яна кимдир.

— Худого шукур, — дейсиз нақадар бахтли одамдек. Ёлғончилигизга худонинг номини «тирраб» ёлғончилигиз. Кеча ишдан қайтган, охиригиз билан, гўшхиллаганингизга кўнглингиз хижил... Ҳуфти ҳалоллигиз ҳақида қўчадаги кимсаларга «хисобот» бергандан кўра бир чимдим бўлса-да, ёлғон сўзлашни эп қурсиз.

— Соғлиқ қалай? — Тагин ҳўл сўраган бўлади қайсидир танишингиз.

— Яхши, — деб қўя қоласиз...

Аслида, ўч кундан бери юрагингиз безовта. Юзгачопар ёш ходмингиз дарад устига чипқон бўлаётми... Ишхонангиз бугасидада уша маҳмадонга ишхилиб кўтиб олади. Юзгача кўзинг борми демасдан шартхилиқ қилади:

— А-ҳа: хужайин, узлариям кеч қоптилар-ку?

— Нима, сенга хисобот беришим керакми? — Зардангиз қайнаб кетади. Барибир, мурсаи мадора қилишга мажбурсиз. — Ҳо-кимликка қаҳиришган экан, ушланиб қолдим, бўлдимми?

Еш ходим негадир ишхияди. Қандайдир қорғозчани тутқазди-да буйрўқ оҳангиде гапирди:

— Марҳамат, шу рақамга сим қоқаркан-

руқ зотга шундай ёлғон сўзлар айтишга маж-бурсиз.

— Сизни жуда ҳўрмат қиламан. Сиз усто-зим, отамсиз...

— Биззи жиян қалай? — Чўрт кесиб сў-райди у.

Тилингиз узингизга бўйсунмайди: қўлдан бир тийинлик иш келмайдиган тирмакни шун-чалик мактайсизки... ҳатто узингиз ҳам шу қа-дар «нўб» кадрнинг қадрига етмаётганингиз-дан афсусланиб кетасиз...

Кечқурун бир алфозда уйга келсангиз, эр-талаб дилингизни хўн қилиб юборган хотинин-гиз ясамарқ тиржайган қўйи шундай дейди:

— Жаа соғинтириб ёлғончилигиз дадажони-си...

Завжангизнинг қўноқ қўзларига ҳар қанча тикилманг, барибир, гапи рост-ёлғончилигини аж-рата олмайсиз. Бунга жавобан бўгизингиздан шундай сўзлар отилиб чиқади:

— Мен ҳам жуда-жуда соғиндим...

Озроққина хордиқ чиқариш илжинида теле-визорни қўясиз. Тўноқ кўни бир шоир билан бўлган учрашувни намойиш этапти. Унга сав-ол бераётган углингизни тинглайсиз.

«Умрингизда ёлғон гапирганимизми?» деб сав-ол берсади углингизнинг шоирга. О-ла, дейсиз,

«Умрингизда рост гапирганимизми?» — десанг тургирўқ бўлармиди?..

Сўнг, қалқанча ётаркансиз, кўн бўйи қанча-дан қанча ёлғон сўзлаганларингизни санаб са-ноғига етолмайсиз...

Ушбў қораламаларини ўқитиб бошингиз-ни сарак-сарак қилмасдан виждонан айтин-чи, гапларингизнинг қанчаси ёлғон, қанчаси рост?

Тўлқин ЭШБЕК.

Истеъмолчилар ҳуқуқи — қонун ҳимоясида

КЎЗИНГИЗНИ ШИРА

БОСТАНМИ?

ёки асосий озиқ-овқат маҳсулотлари савдосидаги фирмаларга мутасаддиларнинг панаҳ бўзмаётгани хусусида

Аҳолининг қўндалик эҳтиёжи учун зарур бўлган асо-сий озиқ-овқат маҳсулотлари савдосида қатъий тар-тиб ўрнатиш, таъминотда узлишларга йўл қўйма-лик, назоратни қўйиштириш соҳа раҳбарлари, мута-саддиларнинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Хусу-сан Республика Вазири Маҳмаднинг қарорига асо-сан саккиз турдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг сав-досида қатъий тартиб, мунтазам бўлишини таъмин-лаш лозим. Бироқ, назорат ва раҳбарлик масъулияти унутилган жойларда истеъмолчиларнинг қўндалик ма-фаатлари назар-панаҳ қилинмаётганига дуч келасиз.

Самарқанд вилоят Давлат солиқ бошқар-маси ходимлари назорат тартибиде утқа-зётган текшириш натижалари шунга тасдиқ-ламақда. Қизғин шундаки, шакар, чой, усим-лик ёғи сингари маҳсулотлари турғун савдо шаҳобчаларида тақчил бўлгани ҳолда бозор-ларда, олибсатарлар қўлда неқудир сароб. Табиқийи, нархи асбларни бироқ қитқилмайди, холос.

Саккиз турдаги маҳсулот билан савдо қи-лувчи дўконлардан 302 тасида утқазилган тек-ширишда улардан 203 тасида белгиланган озиқ-овқатлар рухиятига тулқ амал қилин-маслиги аниқланди. Хусусан 92 та дўконда шакар, 37 дўконда ун, 49 та дўконда усим-лик ёғи, 37 тасида совун, 13 тасида оддий гўгурт, 24 тасида чой, 21 тасида макарон, 24 тасида туз, 37 тасида ҳўжалик совуни мўтла-роқ сотилиши қўйгани маълум бўлди. Бу тур-даги маҳсулотлар қатъий белгиланган нарх-ларда сотилиши зарурлигини билатириб ай-рим устамонлар харидорларни авраш билан овора.

Назоратчилар Сиеб туманидаги «Омад» савдо қорхонасига қарашли 3-дўконга та-ширғи буюришдаги сотувчи К. Нарзиёв хари-дор ҳақидан бир йўла 210 сум уриб қолган-лигининг ғувоҳи бўлишди.

Пахтачи туманидаги «Зиёвуддин» савдо қор-хонасининг 15-дўконда ҳам шундай юлчи-ликка дуч келинди. Сотувчи И. Тошпулатов харидорга совун, шакар, чой узатиб 141 сум 25 тиин қайтими жигилдонига уриб юр-ди. Каттақўрғон шаҳридаги «Каттақўрғон» сав-до фирмасига қарашли 41-озиқ-овқат дўко-нида ҳам сотувчи Н. Муродов харидорга 9-кило усимлик ёғи сотиб, ўз ҳисобига нақ 341 сумга «адашгани» чаток бўлди. Чўнки текши-риш ҳўжажатлари қўндалик чора қўриш учун шаҳар прокуратурасига юборилди.

Иштихон туманидаги матбуот жамиятига қарашли қатор дўконларда ҳам нуқул қонда-бузарлик, юлчилик давом этиб келаятгани савдо раҳбарларини таъминлаштирмаётгани чаток. Хусусан, текшириш утқазилган қўнда «Азамат» савдо қорхонасининг 8-дўкони со-тувчиси Д. Холиқова 10 та совунга харидор-дан 100 сум, «Қўриқ» савдо идорасига қа-

рашли 2-дўкон сотувчиси Б. Эргашев 1 қоп унни 642 сум ортиқча ҳақ олганлиқларни аниқланди.

Юқорида шакар, ун, ёғ баъ-зан дўконларда тақчил бозор-ларда эса сароб дедик. Нега шундай бўлаяпти-ю ким бун-дан манфаатдор? Савдо та-килотчиларининг узлари! Ма-на бунга мисол. Поляриқ ту-ман «Наврўз» чакана савдо

қорхонаси омиб мудири К. Бойсўзков 21 минг 177 сумлик усимлик ёғини дўконларга тар-қатмасдан енг учиде олибсатарларга пуллаб юборган. Дўконлар эса бўм-бўш. Омиб му-дирга эҳтимом танишларнинг ҳўжатики чў-қариш мўҳимдир. Бироқ, уша ҳўлудузда ун-лаб-юзлаб харидорларнинг эҳтиёжини ким қондирар?

Бозор эса ҳар доимгидек тўқин. Олибс-тарнинг савдоси авжида. Хусусан «Сиеб» дў-кон бозориде текшириш чоғиде фуқаро Р. Азизов бирор бир ҳўжасиз савдо билан шуғулланиб чой, макарон, маргарини мақ-таб сотаятганигаги дуч келинди. Унинг ёни-да эса фуқаролар М. Тўрақўлова 1776 сум-лик усимлик ёғи, А. Пулатов 1953 сумлик совуни пуллабсатарлариде назоратчилар са-волга тутиб қўлишди. Сиеб туманидаги Аб-Бўхорий кўчасиде фуқаро Н. Рустамовдан 19 минг 870 сумлик ҳўлди шундай озиқ-овқат маҳсулотларини нега қондага хилоф равиш-де сотаятганини сўрашганда ер чизиб қол-ди. Иштихон туман дехқон бозориде фуқаро З. Қўдратов 10 қоп унни ҳўжасиз сотува олиб қўндалик солиқчиларга дуч келди.

Қисқаси бундай мисолларни қўлаб кел-тириш мумкин. Таъминотдаги узлишлар олибсатарларга қўл келмоқда. Нарх-навоинг сўнгий ушшига шароит яратмоқда. Харидор-де кераксиз шўбха-ғўмонларни пайдо қи-лмоқда. Акс ҳолда бугун Самарқанд бозорла-рида шакар одадтагидан 30-40 фоз қиммат сотилаётгани, қоп-қоп ун чайқовчининг қў-лаги утиб қолганини қандай изоҳлаш мумкин?

«Самарқанд» ҳўлудий савдо концерни ва вилоят «Матбуотсавдо» акциядорлик компа-ниясини раҳбарлари бу ҳақда уйлаб қўришган-микин? Ахир назоратсизлик савдода ҳўфия ишларнинг газак олишига, харидорлар ман-фаати обқости қўлинишига сабаб бўлишини улар яхши билишади-ку.

Абдураҳим АБДУРАХМОНОВ,
Самарқанд вилоят Давлат солиқ
бошқармаси савдо ва хизмат қорхонала-рини назорат қилиш бўлими бошлиғи.
Зохир ТўРАҚУЛОВ,
«Адолат»нинг махсус мухбири.

Ислоҳот ва самара

ОМИЛКОРГА ОМАД ЁР

Ривоят қилишларича, Самарқанд атрофида юрган Улугбек йўл ёқасида ётган бир бурда нонни куриб қолади-да, дарров оддан туиб, унни қўйишга солади. Унинг ёнидагилардан бири: «Султоним, нега бизга буюрмай, ўзингиз оддан тушингиз?» деб сўраганида, Улугбек: «Нонни дастлаб мен кўрдим, уни ердан олишни бировга буюриш нонга нисбатан шахсан ме-нинг ҳўрматсизлиғим бўлади. Нон олдида менинг под-шоллигим, мартабам ҳечдир», деб жавоб берган экан.

Ҳа, нон — улуг неъмат. У инсониятнинг ҳеч нарсас-га тенглаштириб бўл-майдиган буюк кашфиёт-дир. Мана шундай улуг-ворига Яққабон дон маҳ-сулотлари жамоаси ҳам муносиб ҳисса қўшиб кел-моқда. 1937 йили ишга ту-ширилган бу қорхонада 1987 йилдан ун ишлаб чи-қариш йўлга қўйилди. 1994 йили эса бу қорхона давлат тасарруфидан чи-қарилиб, жамоа қорхона-си сифатида фаолият юр-тиб башлади. Қорхона-да бугунги кўндалик ишлаш ускуналари ишга туширил-ган дастлабки йилларда 200 киши ишлаган бўлса, бугунга келиб 400 нафар-дан зиёд ишчи-хизматчи муҳандис-техник ходимлар меҳнат қилмоқда. Албатта қорхонанинг таракқиёт са-ри юз тутишида тадбир-кор раҳбар Ғулом Қўрбо-новнинг ҳиссаси бекиёс.

Мамлакатимизда истик-лол экинчилари эса бош-лангандан сўнг қорхона фаолиятида ҳам сезилар-ли узағишлар юз берди. Хусусан утган йили ишлаб чиқариш соҳасида содир этилган янгилик катта во-қеа бўлди.

— Турғиси, бозор та-лаблари ҳар қандай қор-хонани жиддий синовдан утказди, — дейди Яққабон дон маҳсулотлари хисса-дорлик жамиятининг рай-

си Ғулом Қўрбонов. — Шун-дай экан жаҳон бозори та-лабларига жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқарила-мас қорхона синиб қолиши, иқ-тисодий таназзулга учраши ҳеч гап эмас. Мени кўпдан бери ана шу муаммо қўнаб келарди. Нихоят 1998 йили Швейцариянинг «Бюлер» фирмаси томонидан тайёр-ланган янги ускуналарни кел-тириб, ишлаб чиқаришни йўл-га қўйдик. Натжида қорхо-нанинг ҳар кўндалик бугунги кўндалик қуввати 35 тон-нага ортиб, сифати яхшиланди. Олий ва биринчи навли ун ишлаб чиқаришга эришдик.

Жамоа қорхонасида маҳсу-лот сифати тўдан яхшилан-ганлиги боис унинг харидор-лари ҳам қўнапти. Бугунги кўнда жамоа 300 дан ортиқ қорхона ва ташкилотларга, тадбиркорларга, 6 та туман аҳолисига хизмат кўрсатмоқ-да. Утган йили 21163 тонна сифатли ун, 14 минг 282 тон-на чорва учун енг, 476 тонна макарон, 710 тонна нон маҳ-сулотлари ишлаб чиқарилди. Бунинг эвазига 40 миллион сум соф фойда олинди. Унинг 9 миллион суми ишчи-хизматчиларга дивидент си-фатида тарқатилди. Қорхона аъзоларининг ўз меҳнатларидан манфаатдор-лиқи ошди. Ҳар бир ишчининг ўртача ойлик иш ҳақи 11—12 минг сумни ташкил эт-ди.

Қорхонада ҳар йили 50

минг тонна бугдой қабул қи-линиб қайта ишланади. Хо-зиргача 15 минг тонна буг-дой қайта ишланиб, 10 минг 381 тонна сифатли ун ишлаб чиқарилди. Бу утган йилнинг шу давридагига нисбатан қар-ийб 3 минг 300 тонна кўп-дир. Шунингдек, чорва учун ем ишлаб чиқариш утган йил-ни шу даврига қараганда 6 тоннага, макарон 178 тонна-га, нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш 290 тоннага ортиди. Албатта, муваффақиятлар-нинг асосий омилли биринчи-дан янги технологияни ишлаб чиқаришга жорий этилгани бўлса, иккинчидан ишчилар-нинг эртанги кўнга ишончи ор-тиб бораётгани сабабдир. Эн-дликда жамоада ишчилар сулоласи кўпчиликни ташкил этади. Ментбой Бевитов, Норбоб Жумаев, Муяссар Ваҳобова, Замира Интиева сингари унлаб ишчилар ҳал-қимизнинг ун ва нон маҳсу-лотларига бўлган эҳтиёжини тула қондиршга катта ҳисса қўшмоқдалар.

— Қорхонамизда ишлаб чи-қаришдан олинаётган фойда хисобидан бизларга зарур шароитлар яратилган, — дей-ди тегиримон чехи ишчиси За-мира Интиева. — Ошхонада бепул овқат танакул қилимиз, ёрдамчи ҳўжалгимизда етиштирилаётган гўшт, асал, сабзавот, поллиз, сут, қатик бепул берилаяпти. Қорхона-га қарашли 40 та савдо дў-конидан имтиёзли нархда маҳсулот оламиз. Бундан ташқари соғломлаштириш маркази, дам олиш хонала-ри, машиш хизмат уйлари иштиримизда. Буларнинг ҳаммаси мустақилликдан сўнг барпо этилди. Ишда ҳам қўйишлик йўқ. Янги ускуна-ни фақат қўл меҳнати билан эмас, ақл билан бошқарамиз.

Ҳа, қорхонанинг истикбо-ли порлоқ. Жамоа аҳли ис-

тиқолнинг ойдин йўлидан дадил одимламоқда. Зеро, уларнинг келгусидаги иш режалари ҳам катта. Шу йил охиригача Германия-дан келтирилган янги ус-куна ишга туширилиб, ма-карон, қандолат маҳсулот-лари ишлаб чиқариш йўл-га қўйилади. Уз ёрдамчи ҳўжалигида етиштирилган сутни қайта ишлаш, спирт тайёрлаш борасида ҳам қорхонада ишлар олиб бо-рилаяпти. Қўндалик томони шундаки, жамоа қорхона-си иштиёрида очилаётган қўшимча цехлар ҳисобига аҳоли учун янги ишчи урн-лари яратилапти. Қўшим-ча цехлар қўрилиши ҳисо-бига утган йили 20 нафар фуқаро ижтимоий фойда-ли меҳнатга жалб этилди. Қорхона маъмурияти аёл-лар йили муносабати бил-лан тикувчилик цехи таш-кил этилиб, уйда утган 12 нафар хотин-қизни ишга жалб этиш ҳаракатини ҳам кўрмоқда.

Бу йил Қашқадарё ви-лояти галлакорлари дав-латга 300 минг тоннадан зиёд дон сотиш учун мўл ҳосил етиштирилган. Ана шу етиштирилган галла ҳо-силнинг қарийб 200 минг тоннадан ошганини Қарши-даги «Дунё-М» очик турда-ги хиссдорлик жамияти ҳамда «Яққабон дон маҳ-сулотлари» жамоа қорхона-си қайта ишлаши керак. Бу-нинг учун эса ҳозирданок қорхоналар янги ҳосилни қабул қилиш мавсумини сифатли утқазимизда. Улар мустақил давлатимиз иқтисодийтини юксалти-риш, ҳалқимиз фаровонли-гини ошириш, дастурхони-мизни дон ва нон маҳсу-лотларига сароб қилиш йў-лида астойдил курашмоқ-далар.

Комил САХАТОВ,
«Адолат»нинг ўз мухбири.

● Ажиб дунё ОСМОНДАН ТУШГАН ҚАБИЛА

Япониядаги Хоккайдо оролчасида дунё тарихи-да халигача урганилма-ган, жўмбоқ бўлиб ке-лаётган бир қабила яшай-ди. Бу қабила айнаи деб аталади. Ҳозирда улар-нинг сони 10000 нафар-дан зиёдроқ. Улар япон-ларникига ўхшамаган бошқа бир тилда гапла-шишади ва ташқи тузи-лишлари ҳам япониялик-ларга эмас, кўпроқ евро-палликларга ўхшади. Улар-нинг қўнчилиги қора соч-ли, қизил юзли, қўзлари катта-катта, чиройли.

Айналарнинг узига хос бир томони — улар дунёдаги энг жўли одам-лар ҳисобланшади. Эт-нограф олимларнинг ҳи-соблашича, айналарнинг аждоди қанчаларидир Шим-лиий Осиёда яшаган. Бошқа бир гўруҳ олим-ларнинг фикрича, айна-лар Хоккайдода 7 минг йилдан бўён яшаб келаят-ган аждоқларининг энг сўнгги вакиллари ҳисо-бланади. Олимларнинг фикри-ку, ўз йўлига ам-мо маҳаллий аҳолидан бу ҳақда сўралганда оқсо-қоллар гўят хайратланар-ли жавоб беришди. Улар-нинг айтишича, айна қа-биласи бир неча минг йиллар муқаддам осмон-дан тушган эмиш! Қўзи-ги шундаки, маҳаллий аҳолининг барчаси деяр-ли бу афсонага ишонади. Шу атрофдаги Сару дарёси ёнида мазкур во-қеага бағишлаб қўйилган ёдгорлик афсонани ҳақи-қатга яқинлаштиргандек. Қабила аҳолиси мазкур ёдгорлик жойда қабила-нинг биринчи кишиси қў-дан ерга қўнганлигига жиддий ишонади.

Мустақиллик одимлари

Бойсун тоғларининг соҳри, таровати ўзгача. Унинг бой табияти, сўлим, шифоба-хш ҳавоси кўни фойда. Одамларини айтмайсизми? Бу ерда мард, танги, меҳнаткаш инсонлар яшабди.

Донлар айтганидек, одамнинг қандай яшаётганига қараб, унинг кимлигини ай-тиб бериб бўлади. Зеро инсон, инсоннинг қалби, унинг яшаётган умри қилаётган ишларида акс этади. Эртага нима иш қилишни билмайдиган одам энг бахтсиз одамдир. Чўнки келажакка умид билан қараган юрагида ўти бор одам албатта эзгуликка эришади. Биз ҳўқоя қилмоқчи бўлган киши ҳам ўз умрини эзгуликка, эл юртга хизмат қилишга бағишлаган Қўрбон Амиркуловдир.

Асли бойсунлик бўлган бу меҳнаткаш, танги ин-сон бир неча йиллардан бери катта бир қорхона-ни муваффақиятли бош-қариб келмоқда. Шу давр мобайнида бирор йил йўқки у бошлиқ Музробод туман тайёрлов қорхона жамоаси ўз олдида тур-

ган топшириқларни бажар-маган бўлсин. Қорхона 1997 йилда «Меҳнат — ро-ҳат» хусусий қорхонасига айлантирилган эса, бу ер-қариб келмоқда. Шу давр мобайнида бирор йил йўқки у бошлиқ Музробод туман тайёрлов қорхона жамоаси ўз олдида тур-

ланди. 24653 тонна дон, 6025 тонна шўли уриб-ян-чиб олинди. 163 миллион сумлик саноат маҳсулоти, 188 миллион сумлик ҳалқ истеъмолли моллари ишлаб чиқарилди.

— Эришилаётган ютүк-ларнинг асосий омилли ни-мада, деб ўйлайсиз, — сў-

[illegible]

ОТАХОНЛАР ОТАСИ

(Лавҳа)

Ҳар сафар «Отахон» сўзини эшитганимда унинг сеҳрига қойил қолам. Айниқса, талаффуз қилинаётгандаги жозибадорлиги, уни айтган ва тинглаётган кишилар қалбда бир-бирига илқилик пайдо қилиб, чехралари ёришиб кетишига тараф йўқ. Бамисоли у қалб қўлининг қалити. Аслида ўзбекининг бу сўзи ёши улғайиб қолган, эл-юрт хизматига қамар-басталикни дўндирган, меҳнат жамоасининг чин хурматини қозongan, табарруқ инсонлар шайига атаб тўқилган.

Ғулмжон ака Жаҳонгиров ҳам ана шундай инсонлар тоифасидан. Бу кишининг кўп йиллик, самарали меҳнат фаолияти Ўзбекистоннинг автотранспорт соҳаси билан бевосита боғлиқ. У бу соҳанинг турли жабҳаларида масъул лавозимларда хизмат қилган. Кўп вақт раҳбарлари, ҳамкасблари, шогирдларининг хурматини қозongan. Шунинг учун ҳам ҳозирда уни «Отахон» хатто «Отахонлар отаси» дейишларининг у таърифи бор. Бу сўзи фақат тенгқурлар эмас, ёши узидан катталарнинг айтиши билан марта эшитган кишини ҳайрон қилдиради.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Ғулмжон ака автотранспорт соҳасида хизмат қилган, унинг ривожланишига барақали ҳисса қўшиб келган. Айниқса, соҳада иқтисодий, фидойи ёшларнинг қўлайлигида унинг хизматлари алоҳида таҳсинга сазовордир. Бундай ёшларни масъул лавозимларга дадил тайинлаш ҳақидаги таклифлари билан раҳбарлар ҳузурига киришдан асло эринмасди. Унинг бу ташаббусидан раҳбарлар ҳам хурсанд бўлишиб, ёрдам беришарди.

Ғулмжон ака соҳа касба уюшмаси Ўзбекистон Марказий кумитасига раис этиб сайланганида эса янада кўп вақт хайрли ишларни амалга оширдик, санаб адоғига етиш қийин. Мана ушанга ҳам орадан канча йиллар ўтиб кетган бўлса-да, ҳамон уларни мамнуният билан эслашадим. Уни «Отахон» дейишлари ушундан бошланган. Ҳа, у бу хурматга аризгулик ишлар қилган эди. «Отахонлар отаси» деган ёлғиз эса унга кейинчалик қўшилган. Ҳозирги кунда у Ўзбекистон Республикаси «Узавтотра-

нс» давлат-акционерлик корпорациясида (собиқ «Узавтотранс» вазирлиги) масъул лавозимда хизмат қилмоқда. Шу билан бирга Корпорация қошидаги уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашига раисликини ҳам олиб боради. Жамоанинг фахрийлари бир овоздан уни раисликка лозим топишди.

Ана шу кундан бошлаб фахрийлар унга «Отахонлар отаси» деган номни тақаб қўйишди. Бу ном аввалига Ғулмжон акага ғайри табиий эшитилди. Уни айтмасликларини ўқиб суради. Сабаби, фахрийлар орасида ёши ундан анча улғу бўлган собиқ раҳбарлари, устозлари бор эди-да.

— Камтарлик қилма, — деди унга 1922 йилда туғилган, бу соҳага узок муддат вазирлик қилиб, унинг ривожланишига бошқош бўлган Александр Фадеевич Гаврилов, — мен сени яхши биламан. Уз қўлимда катта бўлгансан. Отахонларга оталик қилишга ҳар жиҳатдан муносибсан. Бунга ишонман.

Ҳозирда Корпорациянинг ташкил этилганига олти йил тўлган кунини тантанали нишонлашга қизгин тайергарлик бошлаб юборилган. Республика миқёсидаги обрўли ва вазифаси салмоқли ташкилотнинг кўтуғ санасини муносиб қўтиб олиш учун нуфузли комиссия тузилган. Унга Корпорация Бошқаруви раисининг уринбосари, соҳанинг етакчи мутахассиси Мансур Алиев раис этиб тайинланган. Комиссия мажлисларидан бири фахрийлар хурматини кўтуғ санада жойига қўйиш мавзусига бағишланди. Унда қалбимизнинг қўри, анжуманининг турли уларниқли бўлиши алоҳида таъкидланди. Бу албатта, «Отахонлар отаси» бўлмиш Ғулмжон ака Жаҳонгировга янада масъулиятли вазифалар юқлади. Аммо Ғулмжон ака бу вазифалардан асло қўнғиғани йўқ. Чунки у ушунга қанчалик кўп яхшилик қилса, узини шунчалик бахтли сезади. Унинг бу сафар ҳам барча ишларини муваффақиятли адо этиб, «Отахонлар» таҳсинига сазовор бўлишига асло шубҳа йўқ.

Мурод ПАРПИХУЖАЕВ.

• Таълим ва ислохот
ПРОМОҲЛАРДА
ДАВОМ
ЭТТИРИШМОҚДА

Халқимизда «Устоз отандан улуг» деган нақл бор. Шуларни уйларқамиз, бугунги яхши кунларимиздан қувониб унга сабабчи бўлган, бизни қамолотга етказган мактабимиз, устозларимиз куз унгимизда жонланади. Мактабимиз директори Мансур Абдулқосимов ҳам ана шундай муътабар, меҳридор инсонларнинг бири. Челақ шаҳрида унинг раҳбарлигида 7-урта мактабда ўқув-тарбия ишлари йилдан йилга такомиллашиб бормоқда. Ёшларга илм беришни чўқурлаштириш билан бирга бошқа қатор қўлайликлар, янгиликлар йўлга қўйилмоқда. Мактабда «Сиз қонунни биласизми?», «Сиз тарихни биласизми?», «Шунқорлар» сингари қизиқарли курик-танловларнинг ўтказиб бориладигани бунинг ёрқин далилидир. Ўшбу тадбирлар орқали ўқувчилар «Биз ким эдигу ва ким бўлмоқчимиз», «Конституцион қонун-қоидалар қанақа?», «Бизнинг қандай ҳуқуқларимиз бор?» каби муҳим ҳаётий саволларга жавоб олишмоқда. Ёнг қувончили, кенча мактаб парталарида ўзлари шодиқ бўлган бундай тадбирларни ёшлар ҳозир ёзғи таътилда, оромгоҳларда ҳам давом эттиришмоқда. Албатта бу Президентимизнинг «Фарзандларимиз биздан кура қилиб билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт» деган талабларига тўла мувофиқ келади.

3. ОМОНТУРСУНОВ,
«Адолат» мухбири.

Иссиқ кунда, сув бўйида бир пиёла қўқ чойга не етсин.

Шунақаси ҳам бўларкан

БОШСИЗ ТАНАНИНГ
ЖАСОРАТИ

Қирол Людвик Баварский 1336 йилда Дица фон Шаунбургни турт нафар навкарлар билан биргаликда ўлим жазосига ҳукм қилади. Мазкур ҳукмнинг сабаби Шаунбургнинг қирол фармонида бўйсинамаганилиги эди. Ўз фармонининг бажарилмаганилигини ва яна ўзига нисбатан хуфийна жиноий ҳаракат бўлганилигини эшитган қирол дарҳол Шаунбургнинг навкарлари билан бирга қатл қилишларини буюради. Бироқ, Шаунбург ўлимидан олдин қирол билан учрашиб истагини билдиради. Людвик маҳбуснинг сўнги тилагини инобатга олади. Қирол билан учрашган, у қатл қилиш пайтида навкарларини ўзидан саккиз қадамдан узоқликда бир қаторда жойлаштиришларини, калласи олинган, улар олдида югуриб ўти-

шини айтиди. Шаунбургнинг илтимосига қўра, у югуриб ўтишга муваффақ бўлган навкарлар қатлдан озод қилиниши керак эди. Қирол Шаунбургнинг бу гапларини алжирашга йўйди-да, агар ҳақиқатда у бошсиз танаси билан югура олса, навкарларининг гуноҳидан қечиб қалай беради.

Қатл майдонида Шаунбург сеvimли навкарларини ёнига — бир қаторга торади ва жаллод қиличини кутганча бошини кундага қўяди. Жаллод зарбасидан бош учиб кетгандан сўнг Шаунбург барчани ҳайратда қолдиришга уридан иргиб турди ва хизматқорлари терилган сўнги қаторга югуриб бориб, жонсиз йиқилди. Қирол сўзида турди. Шаунбургнинг барча навкарлари ўлим жазосидан озод қилинди.

Гузэл ИСМАТУЛЛАЕВА
тайёрлаган.

ВИДЕОТАСВИРГА ТУНУБ ҚОЛГАН БАШАРА

Уюшган жиноий гуруҳни фож қилишда қалаванинг учи вазифасини ўтади

«Марғилон шаҳар ИИБга 1998 йил 4 сентябрь куни соат 13.00 да Марғилон шаҳар Хўжа қози Розий қўчиси, 39-уйда яшовчи Қомиллов Пулатжон Одиловнинг уйига 3 нафар номатълум шахслар юзларини ниқоблаган ҳолда киришиб, уйда бўлган Қомилловнинг қизи, 1982 йилда туғилган Қомилова Шаҳноза ва қўшини 1981 йилда туғилган Охунва Назирларни қўл ва оёқларини уйдаги қамар, рўмоллар билан боғлаб, 70 минг сўм пул ва аёллар тилло тақинчоқларини босқинчилик йўли билан олиб кетганликлари хабар қилинган.

Ушбу хабарга қўра зудлик билан шаҳар прокурори Н. Сулаймонов бошчилигида прокурор ўринбосари У. Урмонов, шаҳар ИИБ бошлиғи вазифасини бажарувчи О. Хошимов, ИИБ жиноят-қидирув бўлими бошлиғи Р. Абдуллаев, ЖКБ ходимлари Абдухалилов, Мўйдиновлар, ИИБ терговчиси И. Исмомов, эксперт-криминалист Э. Эгамбердиев ва бошқа тезкор ходимлардан иборат гуруҳ воқеа жойига етиб келиб, воқеа жойи қўздан қечириб, суриштирув ишлари ташкил қилинди...

Воқеа жойини қўздан қечириб, жабрланувчи ва гувоҳларнинг курғазмалари жиноятни тез очиб қўйишда жуда катта аҳамият касб этади. Бунга тажрибаман кўп бор синаганим тўғрисида терговчилардан «қизларни сўроқ қилдирилгани» деб сўрадим. Уларнинг жавобларига қониқмай, ўзим гаплашмоқчи бўлдим. Табиийки, қўқиб кетган ун-олти-ун етти яшар қизларни расмий сўроқ қилиб, тайинли жавоб олиш мўшкул эди. Ҳозир уларни фақат яқин қишқисид сўхбатлашганимга гапга солса бўларди. Мана шу оддий, самимий сўхбат йирик-йирик жиноятлар очи-лишининг муқаддимаси бўли-

шини ўзим ҳам кутмаган эдим. — Уч-тўрт киши эди, — деди сал ўзига келган Шаҳноза. — Юзларига қора рўмол боғлаб олишган. Оёқ-қўлларимизни боғлашди. «Пуллар, тилларлар қаерда» деб сўрашди. Қўриққанамдан айтиб бердим. — Қанақа одамлар эди? Қўриниши, буйи-баси қанақа? Балки биронтасини илгари кўргандирсан? — Биттасини танидим, — деди қўтилмаганда қиз. — Ата-батта қўриб юрдим...

Шаҳноза унинг исминини ҳам, турар жойини ҳам билмасди. «Охириги марта қаерда кургансан», деб одадаги саволини бергандим, «тўйда, ўртоғимнинг тўйда» деди. Маълумки, ҳозир

ла ўзук, жиноят қуроли бўлган 16 миллиметрлик, бир стволи қирқма миллик (бир донга ўқи бўлиб) далилий ашё сифатида олинди. Шундан кейинги тергов ва суриштирув ишлари мобайнида уюшган жиноий гуруҳ «тўдабошим» ва шериклари аниқлана бошланди.

... Ушбу жиноий гуруҳ ўз «фаолияти»ни 1996 йилда бошлаган эди. Илгари икки марта судланиб, жазони ўтаб қайтган Аъзам Халилов ўзича майда-чўйда уғривачаларга бош бўла оладиган «авторитет» қозонганди. Дарвоқе, унча-мунча одамлар унинг гапни икки қилишдан ҳайқиб туришарди. Аъзам сўнги марта турт йил «ўтириб» келганидан кейин бир оз эркин ҳавога қўриб, тагин «эрикиб» қолди. «Ўғри ўғри билан қоронғуда топишибди» деганлариди, илгари судланган йилпаниқ ошанси Эркин Абдураҳмонов, тагин бир «ўтириб» чиққан йилпаниқ таниши Рустам Мирзажоновлар билан тил топишиб, жиноий гуруҳ тузди. Аста-секин бу гуруҳга «шогирд» жиноятчилар — тошлоқлик Ғулмжон Назаров, Ўзбекистон туманилик Гофур Аҳмедов, марғилонлик Жаҳонгир Гофуровлар қўшилди.

Жиноий гуруҳ дастлабки «йи-

рик» ишини 1996 йил апрель ойида Қўқон шаҳрида «амалга оширди». Фуқаро Ш. Мўйдинов жиноий гуруҳга «йўли юлдўз» бўлиб, Қўқон шаҳар Истиқлол қўчасида яшовчи Ж. Жўраева бой-бадавлатлигини, уйдан анчагина нарсаси умимийлигини курсатиб берди. Унинг «тақлифига» биноан А. Халилов шериклари Э. Абдураҳмонов, Ю. Тошматов, Д. Юнусов, А. Хошимовлар билан 1996 йил 22 апрель куни Марғилондан Қўқонга, Ш. Мўйдиновнинг қайна-тасини уйига боришди. Кечаси тахминан соат уч яримларда спиртли ичимлик ичиб «мард» бўлиб олган номардлар пичоқлар, никоблар, лейкопластлар билан қўрқолиниб, Жўраевнинг ўйи олдида қелишадди. Никоб тақиб олган Аъзам девор ошиб, дарвозани очиб берибди. Босқинчилар уйдаги бешинчи ўғли Н. Жўраев ва жияни Б. Юнусовларни уйларидиш билан қўриқтиб, пул ва бошқа қимматбаҳо буюмларни топиб беришни талаб қилишди. Уларнинг оғизларини лейкопластларда беркитиб, оёқ-қўлларини боғлаб ташлашди. Уйни тинтиб, 17 хилдаги, салкам 120 минг сўмлик турли буюмларни олиб қочибди. Бу нарсаларни бўлишиб олган босқинчилар қаламушдай ин-инла-

рига писиб, бир йилга яқин «ўлжаларини» еб ўтишди. 1997 йил декабрь ойида босқинчилар «тўдабошим» Аъзам яна «ов»га ҳозирлик қурди. Ўзига тўқ хонадон — Марғилон шаҳар Навбахор қўчасида яшовчи С. Рустамовлар ўйини куз остига олади. Бу сафар О. Тошматов, А. Халилов, Х. Юсуповлар билан жиноий тил бириктиради. 24 декабрдан 25 декабрга утар кечаси босқинчилар С. Рустамовнинг уйига девор ошиб тушиб, унга тегишли 80 минг сўмлик қалава ипни олиб кетишди. Кейинчалик ўғилранган бу илгар О. Тошматовнинг Марғилон шаҳар, Шодиёва қўчасидаги уйдан далилий ашё сифатида олинди.

Қўлга тушишдан хавфсизланган Аъзам ушбу босқинчиликдан кейин таниши Эркин Абдураҳмоновнинг Яйпан шаҳридаги уйида яшириниб қўяди. Ўғилранган нарсаларини еб битирётган Аъзам 1998 йил август ойининг бошларида, Марғилон шаҳрида таниши Жаҳонгирдан бош одамларини сураб суриштиради. «Ўғрибошим»нинг мақсадини билган Жаҳонгир «жон» деб унинг гуруҳига қўшилиди. Марғилон шаҳар, Хўжа қози Розий қўчасида бир «миллионер» борлигини айтиди,

Аъзам бундан бир оз аввалроқ қўлга қиритган қирқма милликни зарур бўлганда олиш учун Ғулмжон Назаров Мамажоновга бериб қўйган эди. Аъзамнинг яйпанлик шериклари Рустам Мирзажонов ва Эркин Абдураҳмонов Ғулмжон Аҳмедовнинг машинасида Марғилонга қелишди. Бу ерда Аъзамни, Жаҳонгирни топишди.

Жаҳонгирнинг янги чекдаги уйда жиноятни режалаштиришди. Эртаси куни турт босқинчи қирқма миллик, пичоқ, никоблар билан қўрқолиниб, Пулат Қомилловнинг уйига бостириб киришди. Унинг уйдан 70 минг сўм пул, 2 миллион сўмликдан зиёдроқ тилла тақинчоқларни ўғирлашди, Яйпан шаҳрига қўнлашди ва ўша ерда «ўлжани» бўлишиб олишди. Ҳайратки, бу сафар уларнинг «қароқчи» ҳам-ларини узоққа қўзғилмади...

Шу тарика салкам уч йил босқинчилик билан шугулланиб келган жиноий тўда қўлга олиниб, гуруҳ аъзолари ўзоқ муддатларга қамқ жазосига ҳукм этилди.

Нурмухаммад
СУЛАЙМОНОВ,
Марғилон шаҳар
прокурори.

Ё алҳазар!

ЎН ФАРЗАНДИНИНГ САККИЗТАСИНИ ЎЗ ҚЎЛИ
БИЛАН ЎЛДИРГАН ОНА

Яқинда Америка Қўшма Штатларида мамлакат тарихида энг даҳшатли жиноят очилди. Филадельфия суди 70 йшли Мари Нозни узининг саккиз боласини ўлдирилганлигида айбдор деб топди.

Маълум бўлишича у узининг қонли жиноятини 1949 йилда бошлаган. Шу йили у туғинч фарзандини бугиб ўлдирган. Шундан сўнг 1969 йилга қадар қотил она 13 қўлидан то 1 ёшгача бўлган 7 боласини ўз қўли билан нариги дунёга жўнатган.

Она ҳар гал врачларга «болам тўсатдан ўлиб қолди», деб ваз курсата-верган. Бу ҳол тақоррланаверган, у шифокорларда шубҳа уйғотган. Чунки тўсатдан вафот этган гўдакларнинг ҳаммаси шу пайтгача соғ-саломат бўлган эди-да!

Врачлар ва мутахассислар эски ҳужжатларни ўтганим, қатор медицина текширувлари ўтказиб ҳамма болалар бугиб ўлдирилган, деган ҳушосага келдилар. Ноз суд пайтида: «агар мени қамқоқ олмасанлар, курсатма бераман», деб шарт қўйди. Суд уни қотил сифатида айбдор, деб топди. У энди 20 йиллик синов муддатини ўташи керак. Шу даврининг 5 йлини Мари уй қамқоғида ўтказди. Ҳамда жиниқхонада даволанади.

Юдузда ҳам иллат бор

МАЙКЛ ЖЕКсон САҲНАДАН
ТУШИБ, НИНАГА ЎТИРДИ

Поп рок музика юдузи Майкл Жексон оғир «касал» экан... Бу ҳақда Америка ва Европа оммавий ахборот воситалари кўп эътиборни. Поп қироли ҳақидаги сўнги маълумотлар матбуот хабарларида жон борлигини курсатиб турибди.

Бундан қарийб икки ҳафта бурун Майкл Косово албанлар учун ўтказилган Лучано Повороттининг хайрия концертида қатнашганда бош торган эди. Журналистларнинг нега концертда қатнашмаганини, деб берган саволларига у: «Шаҳзода ўғлим қаттиқ ботоб эди», деб жавоб берди. Унинг таъкидлашича, гўдак гўл улар ҳолатда экан.

Аммо кейинчалик Майклнинг алдагани сезилиб қолди. Яқинда Жексонлар оиласини тиббий назорат қилувчи шифокорлар шундай фикрни билдиришди: «Биз гўдакнигина эмас, хатто унинг отасини ҳам «нариги дунёдан» қайтаришмишга тўғри келди». Маълум бўлишича, Майкл Жексон гийҳванд моддани метиридан ортик истеъмол қилиб қўйган экан.

Шундай қилиб, ҳозир Поп қиролининг қўни демерол деган гийҳванд моддасиз ўтмайди. Албанлар фойдаси учун ўтказилиши лозим бўлган концерт олдида ҳам Майкл гийҳванд моддани кўпроқ истеъмол қилиб, саҳнага чиқмай қолди. Шунда у ўғли «ниҳоятда оғир касал-лигини ўйлаб тонган бўлса ажаб эмас».

Бундан бир неча кун олдин Жексон яна Мюнхендаги концертдан сўнг шифохонага тушиб қолди. Бунинг сабаби ҳам гийҳвандликдир.

Комилжон МУСАЕВ тайёрлаган.

ҲАДИС

• Ўз ҳолатини бошлиқларга отқазма олмайдиган кишиларнинг ҳолатларини отқазинлар, бас кимники ўзи отқазма олмайдиган кишининг ҳолатини подшоҳга отқазса, Оллоҳу талоо қўймай қўни унинг оёқларини пулисирот қўриғи ўз-ра собит қадм қилғай.

Тошкент шаҳар, Юнусов тумани, Абдулла Қаҳҳор номли 117-мактаб томонидан Гулрух Убайдуллаева АБДУЛЛАЕВА номига ўрта мактабни битиргани ҳақида 1998 йилда берилган ОР-О № 463298 рақамли аттестат йўқолигани туфайли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ЎТГАНАЛАРИНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

«Конструктор» корхонаси жамоаси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг биринчи ўринбосари Дамин Абдурахмоновнинг асасига ўғли

Бебақт вафот этганини муносабати билан чўқур ҳамдардлик билдиради ва Оллоҳдан сабр-қаноат тилайди.

• Мақолада келтирилган факт ва рақамлар учун фақат муаллифлар жавоб берадилар.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни басмачисоваси.
Қорқон мактаб: «Ўзбек Тўғри» қўчаси, 41.

Басмачи таътири шакли — 21.00.
Басмачи таътири шакли — 20.30.

МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар қўчаси-32.



Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийсий Кенгаши ва «Адолат» газетаси ижодий жамоаси.
ХОМНИЙ: Ўзбекистон Республикаси «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик жамияти.

Бош
муҳаррир:

Тўхтамурод ТОШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Тўғрунпўлат ДАМИНОВ, Абдували ҒУЛОММАХМУДОВ, Улғубек ДОНИЁРОВ, Анвар ЖўРАБОВ, Акмал ҚОСИМОВ, Тўхтамурод ЖўРАЕВ, Рустам АХМАДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Акбархўжа РАХИМОВ, Каримжон РИХСИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Рашид ХАЙДАРОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Мурод КАЛОНХОНОВ.

Мўлоқот учун
телефонлар:

Қабулхона — 133-41-89.
Котибият — 136-55-64.

Эълонлар бўлими:
136-55-96.

Набатчи —
Зафар ОМОНТУРСУНОВ.

Рўйхатдан ўтиш
тартиби № 140.

Буюртма Г — 0567,
ҳажми — 2 табоқ, Офсет
усулида босилган.
Қоғоз бичими А-2

Газета IBM
компьютерда
терилди.